



TIAME




Tadqiqot.uz



ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ОЛИМА АЁЛЛАРНИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ВА МАЪНАВИЙ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ

халқаро илмий-амалий конференцияси
МАТЕРИАЛЛАР ТўПЛАМИ



ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУХАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ
МИЛЛИЙ ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ
ЮНЕСКО ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТИ
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ
ТОШКЕНТ ШАҲАР ХОТИН-ҚИЗЛАР “ОЛИМА” АЁЛЛАР УЮШМАСИ
TADQIQOT.UZ ХАЛҚАРО ИЛМИЙ ЖУРНАЛЛАР ПОРТАЛИ

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ОЛИМА АЁЛЛАРНИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ВА МАЪНАВИЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ

халқаро илмий-амалий конференцияси
(Тошкент, 2-3 март 2023 йил)
МАТЕРИАЛЛАР ТЎПЛАМИ





Хулоса қилиб айтганда, бугунги кунда ўзбегимнинг замонавий аёллари учун оиладаги маънавий тарбия, глобаллашув шароитида ёшларимизнинг маънавиятига салбий таъсир кўрсатаётган энг асосий муаммоларни ечимини топишда фарзандларга эътибор, уларнинг камолоти ва жамиятимизга керакли шахс қилиб тарбиялаш борасидаги вазифаларга маъсулият билан қарашлари энг устувор вазифа эканлигини ҳар бир ўзбек аёли унутмаслиги зарур.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

[1]. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Халқаро хотин-қизлар кунига бағишлаб ўтказилган тантанали маросимдаги нутқи. // Халқ сўзи, 2021 йил 8 март.

[2]. Ш.Мирзиёев. “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида” №ПҚ-3160 сонли қарори. 2017 йил 28 июль.

[3]. Ҳакимова М., Мусаханова Г. 2019. Касбий педагогика. Т. ТДИУ, 306 б.

[4]. Мусаханова Г. М. Талабаларнинг мустақил таълим жараёнидаги ташкилотчилик қобилиятларини ривожлантиришнинг амалиётдаги аҳволи: Мусаханова Гулнора Мавляновна, Тошкент давлат иқтисодиёт университети катта ўқитувчи // Образование и инновационные исследования международный научно-методический журнал. – 2021. – №. 6. – С. 275-279

[5]. Musakhanova G. Design and research method as an innovative approach aimed at the development of organizational abilities of students in the process of independent work // Current research journal of pedagogics. – 2021. – Т. 2. – №. 09. – С. 110-115.

[6]. Мусаханова Г. М. “Кейс-стади” технологияси талабаларнинг мустақил таълим жараёнида ташкилотчилик қобилиятини ривожлантирувчи инновацион метод сифатида // Архив научных исследований. – 2022. – Т. 2. – №. 1.

Мусаханова Гулнора Мавляновна,

ТДИУ “Инновацион таълим” кафедраси в.б.доценти,
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори, (PhD).

E-mail: gulnaramusahanova02@gmail.com

Қобилжонова Муслима Одилжон қизи

ТДИУ “Рақамли иқтисодиёт” факультети РТЕ-62 гуруҳ талабаси.

E-mail: qobiljonovamuslima005@gmail.com

ЯНГИЛАНАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОНДА ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ ҲАЁТДАГИ РОЛИ

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада муаллифлар томонидан бугунги кунда глобаллашув шароитида хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни, ишлаб чиқаришдаги салмоғи, унинг ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳақида фикр юритилган.

Калит сўзлар: глобаллашув, тарбия, аёллар, хотин-қизлар, оила, инсоният, ислоҳот.

АННОТАЦИЯ

В данной статье авторы рассмотрели роль женщин в обществе, их значение в производстве, их права и свободы в условиях современной глобализации.

Ключевые слова: глобализация, образование, женщины, семья, человечество, реформа.



ANNOTATION

In this article, the authors examined the role of women in society, their importance in production, their rights and freedoms in the context of modern globalization.

Key words: globalization, education, women, family, humanity, reform.

Барчамизга маълумки, Ўзбекистонда навқирон авлоднинг пухта билим олиши, касб-хунар эгаллаши, миллий анъана ва кадриятларимизга ҳурмат руҳида камол топиши йўлида эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Айниқса, бугунги глобаллашув ва тез суръатлар билан ўзгариб бораётган мураккаб ва шиддатли даврда мамлакатимиз ёшлари маънавиятини турли таҳдидлардан асраш, уларнинг халқаро майдонда содир бўлаётган жараёнларнинг туб моҳиятини англаб етиши, ушбу воқеликлар юзасидан холис ва мустақил фикрга эга бўлиши, тўғри ва мақбул хулоса чиқара олиш салоҳиятини шакллантириш ҳамда ривожлантиришда оила — маҳалла — таълим муассасаси ҳамкорлигини самарали йўлга қўйиш баробарида кейинги йилларда мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштиришда ўрни ва роли ошиб бораётган жамоат ташкилотлари, сиёсий партиялар, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари фаоллигини ошириш долзарб аҳамият касб этади.

Мамлакатимиз Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганларидек, “Хотин-қизлар ва оила масаласи – бу нафақат бугунги кунимиз, балки эртанги келажагимизни ҳам белгилаб берадиган ҳал қилувчи омилдир. Агар биз меҳр-оқибат ва садоқат тимсоли, хонадонларимиз фариштаси бўлган аёлларга битта яхшилик қилсак, ҳеч шубҳасиз, бу ўнта яхшилик бўлиб қайтади” [1].

Глобаллашув ҳақида фикр юритар эканмиз, глобаллашув - узлуксиз давом этувчи ижтимоий-тарихий жараён бўлиб, уни шакллантирувчи, ривожлантирувчи ва унга муайян даражада таъсир курсатувчи бош омил - бу инсондир. Глобаллашув инсоният тарихий тараққиётининг цивилизация кўринишидаги зарурий натижа бўлиб, унда илмий-техник инқилоб ХХI асрга келиб, инсон ижтимоий тараққиётнинг ҳар бир йўналишида, яъни илмий, техник инқилоб, фанлар ривож, маданиятлар умумлашуви, ахборот коммуникациялари, мавқуравий таъсирларда умумийлик тенденциялари кўзга ташланади. Глобаллашув инсоният ҳаётини тезкор - шиддатли ўзгаришларини юзага келтираётган ижтимоий - тарихий ҳодиса экан, унинг ҳар бир даврга ижобий ва салбий таъсири бўлиб келганлигини биламиз. Хўш, бугунги кунда бутун ер сайёрамизда кузатилаётган мазкур жараён хотин-қизлар ҳаётида, уларнинг маънавий - ахлоқий қиёфасига қандай таъсир кўрсатмоқда? Глобаллашув шароитида аёлнинг жамиятдаги ўрни, ишлаб чиқаришдаги салмоғи, унинг ҳақ-хуқуқлари ва эркинликлари, саломатлиги, миллат генофони учун жавобгарлиги ва ижтимоий ҳимояланганлиги масалалари ҳар бир жамиятда долзарбдир.

Янгиланаётган Ўзбекистонда глобаллашувнинг умуминсоний ва миллий кадриятларга, урф-одатларимиз, анъаналаримизга, айниқса улар асосида хотин-қизларимиз ҳаёт тарзига кўрсатаётган таъсири масаласи жуда муҳим. Мазкур ҳолатни информацион, технологик, ҳуқуқий, ахлоқий, диний аспектларини глобаллашув асосида таҳлил этилса мақсадга мувофиқ бўлади. Бугунги кунда глобал тармоқ биринчидан, ундаги ахборотлар тез етиб бориши ва жамоатчилик фикрини тўғри шакллантиришга имкон берса, иккинчи томондан маълумотларни ғаразли мақсадларда фойдаланиш, нопок ғоялар тарғиботи билан шуғулланиш ҳолатлари ҳам кузатилмоқда. Бу эса аёлларимиз маънавий-ахлоқий қиёфасига ёт бўлган беҳаё сайтлар, турли рекламалар ва ўйинлар кўринишида амалга оширилмоқда, натижада хали ҳаётини тажрибаси кам эга бўлган ёш хотин-қизларимизни улар ҳаётидаги энг муҳим вазифалардан чалғитиш, келажакка теран кўз билан қарамаслик, балки уларни ҳайвоний “лаззат”га алмаштиришга, енгил ҳаёт тарзини танлашга олиб келмаяптими? Жан Жак Руссо аёлга шундай таъриф беради: “Аёлнинг қудрати унинг жозибасида. Аёл ўзининг латофати-ю таровати билан эркакни унга хос бўлган кучни ҳис қилишга ва уни ишга солишга мажбур қилади. Бу кучни уйғотадиган энг синалган санъат шундаки, қаршилик



кўрсатиш йўли билан бу куч ҳаёт бахш этилади”. Аёлдаги бу қудратли куч унинг сабр-бардоши, қаноати, мўъжизакорлигини ва бетакрорлигини таъминлайди. Глобаллашув давомида аёл - оила кўрғонинг жонкуяри, фидойиси вазифасини бажариб келган бўлса, глобаллашув жараёнидаги интеграция суратининг юқорилиги аёлларнинг ижтимоий ҳаётдаги иштирокини: давлат бошқаруви, ишлаб чиқариш, таълим-тарбия, жамиятни соғломлаштириш соҳаларида жадаллаштирмоқда [2].

Янгиланаётган Ўзбекистонда техника-технология, ахборот коммуникацияларида эришилаётган ютуқлар, аёл интеллектуал имкониятларини юксалтиришни, фан, маданият ва техника янгиликларидан мунтазам хабордор бўлишни ва тўпланган тажрибани янги илмий ғоялар ва янги технологиялар билан бойитиб бориши лозим.

Албатта, глобаллашув шароитида Ўзбекистонлик аёлларнинг ҳам дунё ҳамжамияти ривожланишида ўзига хос ўрни борлиги ижобий ҳодиса бўлса, айрим аёлларимизнинг тижорат ва бошқа сабаблар билан миллий маънавиятимизнинг азалий андозалари ва анъаналаридан беғоналашаётганликлари ачинарли ҳол. Аёл - жамият ҳаётининг моддий, айниқса маънавий асосларини таъминловчи буюк шахс. Зеро, аёл бир қўли билан бешикни, иккинчиси билан дунёни тебратади. Шунинг учун ҳам, ҳар бир жамиятда аёлнинг ўрни, унинг эркинлиги ва ҳақ-ҳуқуқларини таъминлаш масаласи ўта муҳим. Бунда жамиятдаги аёлнинг маънавий-ахлоқий етуқлиги, мамлакат ва миллатнинг ор-номусини ўзида намоён этади. Аёлнинг маънавий-ахлоқий қиёфасини шакллантириш - бу давлат сиёсати даражасидаги масала бўлиб, унда Шарқона аёл, унинг оила, маҳалла, жамоатчилик ва давлат бошқарувидаги иштирокини атрофлича ўрганиш талаб этилади. Бунда хотин-қизларга таълим бериш ва уларни мақсадли йўналтириш, хунар ўргатиш, шу орқали жамиятда ўз ўрни ва ҳурматиغا сазовор бўлиш, мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий жараёнларга дахлдорлигини ошириб бориб, фаол фуқаролик позициясини шунинг ҳуқуқий саводхонлиги ва сиёсий онгини шакллантириш ҳам муҳим.

Бунинг учун хотин-қизларимиз маънавий-ахлоқий жиҳатларнинг шаклланишига бепарволик билан ёндошмаслик, уларда глобаллашувнинг салбий оқибатлари бўлган эгоцентризм, миллатчилик, терроризм, диний ақидапараслик ва экстремизм, гиёҳвандлик, одам савдоси каби зарарли оқимлар таъсирига тушиб қолмаслик чораларини кўриш керак.

Глобаллашув шароитида минтақалар ва мамлакатлар ўртасидаги алоқа ва ўзаро таъсирлар кучайиб бориши натижасида аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ошиб бориши, улардаги эркин фикр, ўз тақдирларини ўзлари белгилаш борасидаги қатъийятларини орттирмоқда. Бу эса турли халқаро ташкилотларда аёллар фаолиятининг кучайиб боришига сабаб бўлмоқда.

Янгиланаётган Ўзбекистонда хотин-қизлар равнақи учун бир қанча вазифалар белгилаб берилган ва улар босқичма-босқич амалга оширилиб борилмоқда. Яъни, оила ва хотин-қизлар давлат кўмитаси ташкил этилиши, ҳар бир маҳаллада хотин-қизлар фаоли лавозими янгидан жорий қилинганлиги, 2022-2026 йилларга мўлжалланган Хотин-қизлар таълимини қўллаб-қувватлаш миллий дастури қабул қилинганлиги, Президентимиз ташаббуси билан жамоатчиликка, аввало, ёшларга тарбиявий таъсир кўрсата оладиган, обрў-эътиборли аёлларни ўз сафида бирлаштирган “Оқила аёллар” ҳаракати ташкил этилиши, шунингдек, барча меҳнат жамоаларида хотин-қизларнинг муаммоларига самарали ечим топиш учун “Аёллар кенгашлари” тузилаётганлиги фикримиз далилидир.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги кунда юртимизда маданий-маънавий ҳаётда миллийлик ва умуминсонийлик, замонавийлик ва тарихийликни уйғунлаштиришга катта эътибор берилмоқда. Мамлакатимиздаги бозор муносабатлари иқтисодиётимизга хорижий давлатлар сармояларни, янги техника ва технологияларни, бошқарувнинг замонавий усуллари билан бир қаторда уларнинг турмуш тарзи, маданияти, дунёқарашини ҳам олиб келади.



Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

[1]. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Халқаро хотин-қизлар кунига бағишлаб ўтказилган тантанали маросимдаги нутқи. // Халқ сўзи, 2022 йил 8 март.

[2]. Ҳақимова М., Мусаханова Г. 2019. Касбий педагогика. Т. ТДИУ, 306 б.

[3]. Мусаханова Г. М. Талабаларнинг мустақил таълим жараёнидаги ташкилотчилик қобилиятларини ривожлантиришнинг амалиётдаги аҳволи: Мусаханова Гулнора Мавляновна, Тошкент давлат иқтисодий университетининг катта ўқитувчиси // Образование и инновационные исследования международный научно-методический журнал. – 2021. – №. 6. – С. 275-279

[4]. Musakhanova G. Design and research method as an innovative approach aimed at the development of organizational abilities of students in the process of independent work // Current research journal of pedagogics. – 2021. – Т. 2. – №. 09. – С. 110-115.

[5]. Мусаханова Г. М. “Кейс-стади” технологияси талабаларнинг мустақил таълим жараёнида ташкилотчилик қобилиятини ривожлантирувчи инновацион метод сифатида // Архив научных исследований. – 2022. – Т. 2. – №. 1.

Яхшиева Мавлуда Турсуновна
ТДИУ “Молия ва бухгалтерия ҳисоби”
факультетининг декани муовини, и.ф.н., доцент.
Mavluda_y@mail.ru

ИҚТИСОДИЁТНИНГ ТУРЛИ ТАРМОҚЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА АЁЛЛАРНИНГ РОЛИ

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Ўзбекистонда жамиятни модернизациялаш ва демократик янгилаш жараёнларида, илм-фан ва маърифат тараққиётида аёллар ролини кучайтиришга йўналтирилган тадбирларни амалга ошириш, Ўзбекистон Республикасининг янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида аёлларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги мақомини юксалтириш чора-тадбирларининг амалга оширишнинг долзарб жиҳатлари асосланган.

Калит сўзлар: Аёллар тадбиркорлиги, касаначилик, гендер, ижтимоий - сиёсий фаоллик, оила институти, бозор субъектлари, ижтимоий ҳимоя.

РОЛЬ ЖЕНЩИН В РАЗВИТИИ ОТРАСЛЕЙ ЭКОНОМИКИ

АННОТАЦИЯ

В данной статье освещены –реализация мер, направленных на усиление роли женщин в процессе модернизации и демократического обновления общества в Узбекистане, развитие науки и образования, реализацию мер по повышению социально-политического статуса женщин в Стратегии действий по дальнейшему развитию Узбекистана.

Ключевые слова: Женское предпринимательство, надомная работа, гендер, общественно-политическая активность, семейный институт, субъекты рынка, социальная защита.

THE ROLE OF WOMEN IN THE DEVELOPMENT OF SECTORS OF THE ECONOMY

ABSTRACT

This article highlights the implementation of measures aimed at strengthening the role of women in the process of modernization and democratic renewal of society in Uzbekistan, the



10. Мухидова Г.Ю. BOLALARDA TAFAKKURNING RIVOJLANISH XUSUSIYATLARI.....196
11. Ахматова Д. Д, Бектемирова З.О. *Илмий раҳбар*: доцент Нишантаев М.К ГЕЛМИНТЛАРГА ҚАРШИ КУРАШДА СУПРАМОЛЕКУЛЯР БИРИКМАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ.....200
12. Пардаева З., Жумабоева Р. Ражабова И.Х Умарова С.М. ATROF – OLAM BILAN TANISHTIRISH MASHG’ULOTLARIDA MAKTABGACHA YOSH DAGI BOLALARDA OILAGA NISBATAN MUNOSABATNI SHAKLLANTIRISH.....203
13. Рахимова С МАКТАБГACHA TA’LIM TASHKILOTIDA RIVOJLANISH MARKAZLARINI SAMARALI TASHKIL ETISH BO’YICHA METODIK TAVSIYALAR.....205
14. Рахмонова Г.Ш О’ЗBEKISTONDA XOTIN-QIZLARNI HAR TOMONLAMA QO’LLAB-QUVVATLASH VA ULARNING JAMIYATDAGI FAOL ISHTIROKI.....208
15. Рахмонова Г. Ш. Идиева М. AYOLNING OILADA VA JAMIYATDAGI O’RNI.....210
16. Шарипова М.Б. Рамазонова Ф.У AYOLLARNING OILA VA JAMIYATDAGI MAVQEYINI YUKSALTIRISH HAMDA MA’NAVIY-RUHIY DUNIYOSINI BOYITISHDA QAHRAMONLIK EPOSINING O’RNI.....212
17. Шомуродова С. Болтаева Н. МАКТАБГACHA TA’LIM TASHKILOTIDA RIVOJLANISH MARKAZLARIDA TA’LIM TARBIYA FAOLIYATINI TASHKIL ETISH.....215
18. 19 Хакимова М. Файзиёв У. Мусаханова Г.М. ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА ОИЛАДАГИ МАЪНАВИЙ ТАРБИЯНИ МУСТАХҚАМЛАШ ВА УНДА АЁЛЛАРНИНГ ЎРНИ.....218
19. Мусаханова Г. М., Қобилжоновна М. О. ЯНГИЛАНАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОНДА ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ ҲАЁТДАГИ РОЛИ.....220
20. Яхшиева М.Т. ИҚТИСОДИЁТНИНГ ТУРЛИ ТАРМОҚЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА АЁЛЛАРНИНГ РОЛИ.....223

V-ШЎЪБА. ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДА ГЕНДЕР ТЕНГЛИГИ ВА ХОТИН-ҚИЗЛАР ҲУҚУҚЛАРИ КАФОЛАТЛАРИ

1. Анорбоева С.А. JAMIYATIMIZDAGI GENDER TENGLIK: AYOLLAR HUQUQ VA ERKINLIK LARI.....227
2. Рахмонбердиева Н. Б., ЎЗБЕКИСТОН ГЕНДЕР ТЕНГЛИГИ ТАРИХИДА ТАМАРАХОНИМ ВА УНИНГ УЙ-МУЗЕЙИ АҲАМИЯТИ.....230
3. Ибрагимова Г. KX DIRECTIONS FOR FORMING THE CULTURE OF COMMUNICATION IN IMPROVING THE QUALITIES OF PROFESSIONAL COMPETENCE.....234
4. Қўйлиев Т, Рахмонбердиева Н, ЯНГИ ЖАМИЯТДА БАХТ ТОПГАН АЁЛ.....238
5. Элмуратова Ш. РОЛЬ ТАМАРАХАНИМ И ЕЕ ДОМА-МУЗЕЯ В ИСТОРИИ ГЕНДЕРНОГО РАВЕНСТВА В УЗБЕКИСТАНЕ.....241
6. Элмуратова Шохиста Аблакуловна, ROLE OF TAMARAKHANIM AND ITS HOUSE-MUSEUM IN THE HISTORY OF GENDER EQUALITY IN UZBEKISTAN.....245
7. Акбарова С. Ш, Азизова М. ГЕНДЕР ТЕНГЛИГИ - ХОТИН-ҚИЗЛАР ҲУҚУҚЛАРИ КАФОЛАТИДИР.....248
8. Файзуллаева Н. ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДА АЁЛЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИНИ ВА ГЕНДЕР ТЕНГЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ.....252
9. Абдурахмонов Х.И. Дадакулов Э. Т. ГЕНДЕР ТЕНГЛИКНИНГ ИЖТИМОИЙ АҲАМИЯТИ.....254
10. Очилов Н.Ў. Очилова М.Ў. Тўлкинова А.М. GENDER TENGLIGI: AYOLLARNING HUQUQ VA IMKONIYATLARINI KENGA Y TIRISH.....258